
ФАРҒОНА ТУМАНИДА 3D КЎРИНИШДА ЗАМОНАВИЙ ГИЛАМЛАР ИШЛАБ ЧИҚАРИЛМОҚДА

Вилоят ҳокими Хайрулло Бозоров Фарғона туманидаги “Иқбол дизайн сервис” оилавий корхонасида бўлди.

Бу корхонада ўтган 2021 йил якунида эшик ва деразалар учун замонавий жалюзилар ишлаб чиқариш йўлга қўйилган бўлса, жорий йилда Evaks Fabric бренди остида 3D кўринишда замонавий гиламлар ишлаб чиқариш лойиҳаси ҳам амалга оширилди.

Қиймати 1,5 млн. доллар бўлган ушбу лойиҳа 1,15 млн. доллар тадбиркорнинг ўз маблағлари ҳамда 350 минг доллар хорижий банк кредити ҳисобига ҳаётга тадбиқ этилди.

Йиллик 150 минг кв.м маҳсулот қувватига эга корхонада ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар қўшни давлатларга ва Россияга ҳам экспорт қилинмоқда. Ушбу корхонада 50 дан зиёд доимий иш ўрни яратилган. Ишчи-ҳодимлар учун халқаро стандартларга мос меҳнат шароитлари яратилган.

Лойиҳа раҳбари Иқболжон Мираҳматовнинг корхона фаолиятини ривожлантириш учун 700 минг доллар миқдорида банк кредити олишга қўмаклашиш юзасидан вилоят ҳокимига мурожаати ижобий ҳал этиладиган бўлди.

Бизни ижтимоий тармоқларда кузатинг [Facebook](#), [Telegram](#), [Facebook](#), [YouTube](#), [Instagram](#)

2022-09-16 09:25:48